

Сени яхши кўришимнинг сабаби намоз ўқишингдир!



09:00 / 10.10.2021 3026

Бир она айтиб беради: «Мен фарзандларимга: «Намоз ўқи» деб айтишдан жуда толиқдим. Ҳар азон айтилганида каттаю-кичигига кўп маротаба: «Намозингни ўқи, намозингни ўқи» дер эдим. Кейинги намоз вақти киргунига қадар, аввалги намозини қийинчилик билан ўқитар эдим. Қизларимни намозга туриши жуда катта тўхтовсиз муаммога айланди. Бир куни Аллоҳим менинг ҳаёлимга бир фикр келтириб қўйди. Қизларимга бир ҳафта намоз ўқиш мусобақасини уюштиришимни айтдим. Уларга: «Ким ғолиб бўлса, унга алоҳида совға бераман. Агар мен кимга бир маротаба намозингни ўқи деб буюрсам у ютқазади» деб шарт қўйдим. Шу тариқа мусобақа уюштирдим. Натижа жуда ҳайратланарли бўлди. Барча қизларим ғолиб бўлишди. Мен қизларимга эслатмасам ҳам ўзлари мустақил мусобақалашиб намоз ўқий бошлашди. Алҳамдулиллаҳ, мен бир гапни

такрорлайверишдан ҳалос бўлдим. Мени бу услубим орқали намоз вақтини эслатмасам ҳам ўз вақтида ўқийдиган бўлишди».

Бир йигит айтади: «Отам шифохонага ётиб қолдилар. Аҳволлари жуда оғир эди. Отамга ўлимдан олдинги ҳолатнинг хабари келган экан. Мен бунини билмас эдим. Сўнги лаҳзаларда отам менга намоз ўқишимни айтдилар. Ҳар доим мени намоз ўқишга буюрар эдилар. Аммо бу айтишлари менга қаттиқ таъсир қилди. Мен ўша вақт намозни қийматини сездим. Сўнгра намозимни ўқишга кетдим. Намоз ўқиб бўлиб, отамнинг олдиларга қайтдим. Отамга қарасам улар ҳаётдан кўз юмган эканлар. Шундан сўнг, отам қабрларида хурсанд ётишлари учун мен ўзимга-ўзим: «Ҳеч қачон намозимни ташламайман ва ҳар намозимда отамни дуо қиламан» деб сўз бердим».

Яна бир йигит айтади: «Отам ўлим тўшагида ётган эдилар. Барча фарзандларини йиғиб васият қилдилар: «Намозингизни тўла тўқис адо этинглар!». Кичкина укамга қараб: «Намоз!» дедилар.

Отамни энг сўнги сўзлари шу бўлди. Укам шундан сўнг, намозини қолдирмасдан ўз вақтида ўқийдиган бўлди. Негаки, у намозига бепарво эди. У отамни жуда яхши кўрар эди ва жуда қаттиқ таъсирланди».

Ўлим тўшагида ётган вақтингизда фарзандларингизга нимани васият қилган бўлар эдингиз? Сўнги сўзларингиз нима бўлар эди?

Нафасингизни сўнги лаҳзасига қадар яхшиликка чорлар эдингизми?

Бир куни бир ота айтади: «Уйда бўлмаган вақтимда ўғлимга қўнғироқ қилиб, унга намоз ўқишини эслатар эдим. Баъзи пайтлар бир дона хабар орқали кифояланар эдим. Сўнгра аёлимга қўнғироқ қилиб: «Ўғлим намоз ўқидими» деб сўрар эдим. Аёлим: «Болангиз намозини ўқиди» деб айтса, ўғлимга яна чиройли хабар жўнатар эдим. У билан фахрланаётганимни айтар эдим. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Бир куни ўғлимга: «Фарзандим, сени масжидда намоз ўқиганинг мени жуда хурсанд қилди. Мен сен билан фахрланаман. Аммо саждаларингда мени ҳам дуо қилишни ёдингдан чиқариб қўймагинг!» деб хабар жўнатдим. Аёлим билан бўш вақтимизда фарзандимга чиройли хабар жўнатишни ўйлаб ўтирар эдик. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, албатта, у бизни гўзал сўзлар билан сийлади. Бу гапларни биз барчага етказишга ҳаракат қилдик. Алҳамдулиллаҳ, бошқалар бу усулдан фойдаланишди».

Сизлар ҳам бу чиройли гапларни ўйлаб топсангиз бўлади. Масалан: «Эй, менинг гулим, намозингни ўқи!», «Эй, намозингни ўқи, уйимизнинг устунини!», «Сени яхши кўришимнинг сабаби намоз ўқишингдир!» ,«Намозни тарк этишинг иймоннинг заифлигидир!», «Уларга етиб ол, сендан ўзиб кетишди. Албатта, улар мажсидда намоз ўқийдиган кишилардир!» каби усуллар орқали фарзандингизни тарбияласангиз бўлади.

Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида тайёрланди